

Маккада эшитиш қобилияти яхши бўлмаганлар учун махсус намозхона ажратилди



10:38 / 06.12.2018 2028

Масжиди Ҳаромнинг ишлар бош бошқармаси намозхоналардан бирини эшитиш қобилияти бўлмаганлар учун ишорат тилини биладиган таржимон билан ажратилганини маълум қилди. Бу ҳақда IQNA хабар беради.

Хабарда айтилишича, жума намози, Фитр ва Қурбон байрамлари мавъизалари, ёмғир дуоси, дарслар ва Масжиди Ҳаромда айтиладиган ваъзларни сурдо-таржима орқали уларга етказиш имконияти яратилган. Шунингдек, у ерда кўзи ожизлар учун намозхонага олиб борадиган махсус оқ тутқичлар ҳам ўрнатилган. Улар учун Брайл усулидаги Қуръони каримлар, Мусҳафни тутиб турадиган махсус ускуна ҳам тайёрланган. Булардан ташқари бу каби намозхоналар учун ақлли соатлар ҳам ишга туширилган. Умуман олганда, ногиронларнинг беҳавотир ҳаракат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Islom.uz портали таҳририяти